



**“Сув таъминоти ва оқава сув объектларини қуриш бўйича ИК” УК Фарғона вилояти худудидй бошқармаси бошлиғи Р.Холикназаровга**

### **Техник шарт**

Сизнинг 2022 йил 30 сентябрдаги 457-сонли хатингизга асосан, Узбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрел кунги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора тадбирлар”ги ПК-5072 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Бувайда тумани Қорақум МФЙ худудида яшовчи аҳолини ичимлик суви таъминоти тизимини яхшилаш мақсадида қуйидаги ишлар бажарилиши талаб этилади.

### **Ичимлик сув бўйича**

Бувайда тумани Қорақум МФЙ худудида ичимлик суви тизимини қуриш учун уланиш нуқтаси: Қорақум МФЙ худудидаги мавжуд ичимлик сув кудуғидаги насосининг барча электр жихозларини ва сув кўтариш трубаларини янгилаш, 1 дона ҳажми 25м<sup>3</sup> бўлган ичимлик сув минораси ўрнатиш ва унга UZSUVTAMINOT логотипини бўяш ҳамда автоматик ўчириб ёқиш ускунаси (Поплавок) ўрнатиш, Д-76 ммли узунлиги 2.2 км, Д-100 ммли узунлиги 1.0 км ичимлик сув тармоғи замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилсин.

Ичимлик сув тармоқларини қурилиш-монтаж ишлари даврида бошқа муҳандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида, тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқишда тажрибали лойиха институтларини жалб қилган холда лойиха смета хужжатлари ишлаб чиқиш ва давлат экспертиза хулосалари олингандан сўнг, қурилиш монтаж ишлари амалга оширилсин. Таёрланган лойиха-смета хужжатлари қурилиш-монтаж ишлари бошлангунига қадар Вилоят “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ бош муҳандиси билан келишилсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан, Буюртмачи томонидан тайёрланган ичимлик ва оқава сув объектлари лойиха смета хужжатлари “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ билан келишилиши белгиланган ва 1(бир) нусха лойиха смета хужжатлари берилиши шарт. Акс холда мазкур қурилиш-монтаж ишлари учун тайёрланган лойиха смета хужжатлари келишилмаган ҳисобланади ва мазкур объектлар “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ томонидан қабул қилинмайди.

Барча қурилиш материаллари сифат сертификатига эга булиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
Бош муҳандиси:**

**“Фарғона сув таъминоти” МЧЖ  
ИЧБ бошлиғи:**

**И.Абдуллаев**

**Д.Хамидов**